O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 25 июнь ЧОРШАНБА

№ 49 (12.060)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Муносабат

АЗАЛИЙ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА

Дам олиш куни чорбоғда ишлаётсам, жияним Қобилжон ўзида йўқ хурсанд, ҳовлиққанича келди-ю, йўлда кўрган-эшитганларидан сўзлай кетди:

– Кўрдизми, мактабимиз умуман ўзгариб кетибди. Энди биз ҳам янги мактабда ўқирканмиз, Ҳозир жуда кўп усталар ишлаётган экан.

Унинг қувонч тўла чеҳрасига тикилиб қолдим. Мурғаккина болани қалбида бир олам завқ-шавқ туғён урарди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда қишлоғимиз чирой очиб, янги-янги иншоотлар, савдо шахобчалари кўпайиб бораяпти. Йўллар кенгайиб, сўнгги русумдаги автобуслар серқатнов бўлиб қолди. Ёшларимиз учун Озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи, бир неча маиший хизмат кўрсатиш марказлари, бошланғич синфлар учун эса, алоҳида янги мактаб қурилди. Давом этсак, бу каби ўзгаришларнинг адоғи йўқ.

Буларнинг бари аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг натижаси, Мустақиллик берган беқиёс имкониятлар ҳосиласидир.

Мана, ўн етти йилдирки, биз мустақил давлат қуриб, унинг келгуси равнақи, гуллаб-яшнаши, янада мустаҳкамланиши йўлида барча имкониятларни ишга солаяпмиз. Юртимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни кенг кўламда амалга ошириб, тараққиёт йўлидан босқичма-босқич одимламоқда. Ўтаётган йиллар тарихан қисқа давр бўлишига қарамай, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўз сўзи ва мавқеига эга бўлди.

Мустақиллик шарофати ила бой тарихий қадриятларимиз, маънавий-маданий анъаналаримиз, дину диёнатимиз тикланиб, бугунги кунда халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб эзгу фазилатлари узоқ-яқин ҳорижликлар томонидан эътироф этилмоқда. Айниқса, юртимиз меҳмонларининг қадимий шаҳар ва зиёратгоҳларда, бозорларда бўлиб, Ўзбекистон ҳақида олган таассуротлари, қувончларини кўриб, ўзингда ғурур ва фахр ҳиссини туясан.

Ҳар соҳада, айниқса, келажак ворисларимизга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик, яратилаётган имкониятлар эртанги кунимизга янада мустаҳкам пойдевор бўлишидан далолатдир. Минглаб ёшларимиз таълим, илм-фан, спорт, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда жаҳоннинг кўплаб нуфузли танлов ва мусобақаларида иштирок этиб, ривожланган мамлакатлар қаторида ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, қолаверса, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни ўз иқтидор ва салоҳиятлари билан яна бир бор намоён этмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, Истиқлол халқимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси, ўзликни англаш, ўзлигини намоён этиш мавриди бўлди.

Бугун қаерга қараманг, янгиланишлар, ўзгаришлар жараёни кечмоқда. Кишиларимиз чеҳрасидан табассум, эркинлик ва озодлик шукронаси уфуриб турибди. Ҳар ким юрт истиқболи, ўз бахтиқболини яратиш, турмушини яшнатиш мақсадида меҳнат қилмоқда. Шунга яраша самарасини ҳам туймоқда.

Яқинда, Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Унга мувофиқ энг улуғ, энг азиз байрамга тайёргарлик кўриш бошлаб юборилди. Жойларда ободонлаштириш ишлари, маънавий-маданий учрашувлар, тадбирлар белгиланиб, уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Шундай экан, мустақиллик берган имкониятларнинг, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиб, ҳар биримиз ўз меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшайлик. Зеро, мустақиллик биз учун азалий орзулар рўёбидир, буюк тарихий ютуғимиздир. Қолаверса, мустақиллик бизнинг борлигимиз, шаъну шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Галла – 2008

ДОВОННИНГ ЯРМИ ОРТДА ҚОЛДИ

Вилоятимизда ғалла ўрими мавсуми уюшқоқлик билан давом этмоқда. Давлат эҳтиёжлари учун дон етиштириш контрактация шартномаларини ёруғ юз билан бажараётган фермер хўжаликлари сафи тобора кенгаймоқда. Ҳар куни ғаллазорлардан 9200-9500 тонна атрофида ҳосил йиғиштириб олиниб, қабул пунктларига етказилмоқда.

Зангиота, Тошкент, Бекобод тумани ғаллакорлари улкан меҳнат зафари сари тобора яқинлашаётган бир паллада Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Бўка, Оққўрғон тумани деҳқонлари кунлик суръатни барқарорлаштириб, хирмонга барака киритаётирлар. Вилоятда бошоқли дон ва уруғлик тайёрлаш бўйича шу йилнинг 24 июнь ҳолатига бўлган тезкор маълумотга кўра, ғаллакорларимиз аллақачон катта довоннинг ярмидан ўтиб, умумий хирмонни қарийб 185 минг тоннага етказишга муваффақ бўлишди.

"Оҳангарондон" очиқ акциядорлик жамиятининг Пскент туманидаги дон қабул қилиш шахобчаси жамоасининг ҳам айни вақтда қўли қўлига тегмаяпти. Улар бу мавсум 22 минг 270 тоннадан зиёд ғалла қабул қилиб олишни режалаштиришган. Бунинг учун 786 фермер хўжалиги билан шартнома тузилган бўлиб, ҳар куни ўнлаб заминдорлар шартнома мажбуриятларини адо этмоқдалар.

– Ҳозиргина фермер Жумабой Холов даласидан келтирилган ғаллани тарозидан ўтказдик, – дейди шахобча тарозибони Маҳамаджон Ризаев. – Фермернинг қувончи чексиз. Шартномани адо этиши учун яна 4 тонна ғалла топширса, кифоя эди. У юборган сўнгги юк машинасидаги ғалла 6 тоннаю 750 килограмм тош босди.

Дарҳақиқат, аксарият фермерлар бу мавсум анча баракали ҳосил етиштиришди. Буни лаборатория мутахассислари ҳам эътироф этишаяпти.

– Келтирилаётган ғалла тарозидан ўтказилиб, навларга ажратилади, – дейди лаборант Гулия Исроилова. – Ҳар куни 800-1000 тоннагача дон қабул қилинаяпти. Айтиш жоизки, келтирилаётган дон сифати барча талабларга тўла жавоб беради.

– Бу йил ғалла ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиб, режага қўшимча 10 фоиз ғалла топширдик, – дейди Қибрай туманидаги Анорбой Ботиров фермер хўжалиги раҳбари Манзура Аҳмедова. – Бу халқимиз дастурхонининг тўкинлиги, турмушимиз фаровонлигига қўшган ҳиссамиз бўлди. Хўжалигимизда чорвачиликни ҳам яхши йўлга қўйганмиз. Шу сабабли ғалла сомонини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳаракатидамиз. Ҳозир қарамоғимизда 16 бош сигир бор. Улардан соғиб олинган сутни қишлоғимиздаги иккита мактабгача таълим муассасасига етказиб бераяпмиз.

Дарҳақиқат, ғаллакор ҳаётининг энг қизғин кунлари ўтмоқда. Улар катта машаққатлар эвазига етиштирилган ҳосилни сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиб, вилоятимизнинг қарийб 322 минг тонналик дон хирмонини тезроқ бунёд этиш ҳаракатидалар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: қибрайлик фермер Манзура Аҳмедова ўғли, бўлажак агроном Сардорбек билан ғаллазор оралаб, ҳосилни чамалашяпти.

Фазлиддин АБДУРАСУЛОВ олган сурат.

ЯШАШ ҲУҚУҚИ ВА ШАХС ДАХЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда жиноят қонунчилигининг инсон манфаатларига хизмат қилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, жиноий жазоларнинг изчил ва босқичма-босқич либераллаштирилиши борасида амалга оширилаётган ишлар жамиятимиздаги муҳитни соғломлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Халқимизнинг кечиримлилик, бағрикенглик ва инсонпарварликка асосланган қадриятларини ўзида мужассам этган ярашув институти жорий этилганидан буён минглаб фуқаролар судланишдан асраб қолинди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлари қабул қилиниб, 2008 йил 1 январдан кучга киргани суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш борасидаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармонининг ижросига бағишлаб ўтказилган "Яшаш ҳуқуқи ва шахс дахлсизлиги кафолати" мавзуидаги давра суҳбатида номи қайд этилган қонунларнинг амалиётдаги ижроси таҳлил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, юридик олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида ўлим жазосининг бекор қилинганлиги ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилгани муносабати билан қабул қилинган қонун ҳужжатларининг амалда ижро этилиши масалалари илмий-амалий жиҳатдан муҳокама этилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ФИКР АЛМАШИЛДИ, ТАЖРИБА ОРТТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан бир неча вилоятнинг давлат экологик экспертизаси ходимлари ҳамда экологик меъёрлаш ҳисоби ва мувофиқлаштириш бўйича мутахассислари учун ҳудудий семинар ўтказилди.

Унда Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари қўмиталарининг давлат экологик экспертизаси раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этишди. Уч кунлик семинарнинг биринчи кунида иштирокчилар Самарқанд вилояти давлат экологик экспертизаси иш фаолияти билан танишишди. Тизимда татбиқ қилинаётган янгича иш йўналишлари ва услублари ўрганилиб, ўзаро тажриба алмашилди.

«Давлат экологик экспертизаси ҳамда экологик меъёрлаштиришнинг энг долзарб масалалари»га бағишланган маъруза орқали қатнашчилар экологик экспертиза ва меъёрлаштиришга қаратилган масалаларнинг ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечими билан таништирилди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида ҳар бир вилоят бўйича эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар атрофлича таҳлил қилиниб, вазиятни янада яхшилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Семинар якунида иштирокчилар учун саёҳат уюштирилиб, улар Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари – Регистон, Бибихоним мажмуалари, Гўри Амир, Шоҳи-Зинда каби мақбаралари, Улуғбек расадхонасини томоша қилишди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ПОЧТАНИНГ ЯНГИ ХИЗМАТИ

Мамлакатимизда телекоммуникация алоқаси ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида хизматларнинг янги турларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамиятининг Тошкент вилояти филиали томонидан айни кунларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда филиалнинг 20 почта алоқа тармоғи ва 327 бўлими аҳолига сифатли хизмат кўрсатаётир. Уларда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган тадбирлар ижроси таъминланмоқда.

Ўтган йиллари Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари почта алоқа тармоқларида электрон пул ўтказиш хизмати жорий этилган бўлса, бу йил Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод ва Қибрай туманларида ҳам ана шундай хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

ЎзА.

27 июнь – Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

МАЪНАВИЯТ НУРИНИ ТАРАТИБ

Сир эмаски, XXI аср ахборот глобаллашуви жараёнлари фаоллашган давр сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олаяпти. Бу, албатта, ҳар бир кишидан, хусусан, биз журналистлардан жамият олдидаги бурчимизни чуқур англаб етган ҳолда ҳаракат қилишни талаб этади. Чунки, демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш ва кишиларда янгича дунёқарашни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида мазкур соҳа ривожи ва ижодкорларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётир.

Истиқлол йилларида юртимизда содир бўлаётган оламшумул ўзгаришларда оммавий ахборот воситаларининг ўрни сезиларли ортиб, ўзбек матбуоти ўз миллий заминига эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, у борган сари ранг-баранг фикрлар минбарига айланиб бормоқда. Газета-журналларнинг ҳар бир чиқишида халқимизнинг бугунги яратувчилик меҳнати кенг тарғиб қилиниб, ёш авлодга Ватанга муҳаббат ва садоқат ғояларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Шу ўринда айтиш мумкинки, ўзбек ва қозоқ тилларида нашр этилаётган туманимиз газетаси – "Сурьат-Қарқин" ижодий ходимлари ҳам ўз олдиларида турган бугуннинг муҳим вазифаларини баҳоли қудрат бажариш йўлида имкон қадар ҳаракат қилмоқдалар. Газетанинг ўқишли ҳамда ранг-баранг чиқишига жамоатчи мухбирларимиздан Шермат Ештоев, Дилшод Юнусов, Ойгул Аҳмедова, Марҳамат Раҳматова, Дилором Юсупова, Турғунали Усмонов ўзларининг қизиқарли ва мазмунли мақолалари билан муносиб ҳисса қўшяптилар.

(Давоми 2-бетда).

26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

Ёши бир жойга бориб қолган Ҳикмат ака Қурбонов ўз ҳонадонида йигирма туп кўкнорини пинҳона парваришлаётгани аниқланди. Умуман, "Кўкнори – 2008" операцияси жараёнида жами беш сотих майдонни эгаллаган экин йўқ қилинди.

ГИЁҲВАНДЛИК – ОФАТ

Бекобод шаҳрида гумондор Наим Раҳимов тўхтатиб, текширилганида икки грамм героинни сотиш учун олиб кетаётгани маълум бўлди.

...Оғир жароҳатланган кекса аёл шифохонага ётқизилди. Дастлабки суриштирув чоғида гиёҳванд ўғил ўз онасини қаттиқ калтаклагани ойдинлашди...

Афсуски, кундалик ҳаётда бундай гап-сўзларни бот-бот эшитадиган бўлиб қолдик. Ушбу ҳолатлар бир оила, маҳалла, юрт-эл эмас, бутун-бутун давлатлар, жумла жаҳон учун оғир мушкулотлар келтириб чиқармоқда.

XXI асрга инсоният гиёҳвандликнинг олдини олиш, уни тўхтатиш, бу бедаво дарддан фақат биргалашиб қутулиш мумкинлигини англаган ҳолда қадам қўйди. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти юксак минбаридан туриб, жаҳон ҳамжамиятини наркотрафик ва гиёҳванд моддалар ноқонуний тарқатилишига, гиёҳвандликка қарши курашда барча куч ва воситаларни бирлаштиришга даъват этди.

Эндиликда бу офатга қарши курашга эътиборни кучайтириш мақсадида 26 июнни жаҳон мамлакатларида Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни сифатида нишонлаш анъана бўлиб қолди. Шу кун арафасида вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётир. Вилоят ҳокимлигининг фармойишида бу оммавий саъй-ҳаракатларнинг аниқ ва амалий режалари белгилаб берилди. Уларни амалга оширишда маҳаллий бошқарув идоралари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун" ва бошқа жамғармалар, барча жамоат ташкилотлари фаол иштирок этаётир.

Кинотеатрларда гиёҳвандлик муаммосига бағишланган қисқа метражли ҳужжатли фильмлар намойиш этилаётир. Икки кунлик фильмлар фестивали ўтказилиб, уларга ёшлар кенг жалб қилинмоқда. Маҳаллаларда, таълим-тарбия муассасаларида шу кунга бағишланган суҳбатлар, учрашувлар ташкиллаштирилиб, уларда маданият ва санъат намоёндалари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари иштирок этишаётир.

Жўрабек МУРОДОВ.

27 июнь – Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

МАЪНАВИЯТ НУРИНИ ТАРАТИБ

Шунингдек, қарийб 40 йилдан буён жамоамизда меҳнат қилиб, барчамизнинг улуғимиз бўлиб келаётган кекса журналист Иноғом ака Холтурсунов, шоир Бўрон Қидиров газетхон эътиборига ҳавола қилинаётган ҳар бир сатр устида чуқур мулоҳаза билан ижодий ёндошаётган бўлсалар, компьютерда ишлаш санъатини яхшигина эгаллаб олган ёш ходимимиз Абдуғани Юсупов газета материалларини ҳарфлаб териш ва саҳифалаш жараёнларида астойдил меҳнат қилаяпти.

Шуни мамнуният билан айта оламизки, газетани ҳаёт кўзгуси, деб билган муассисимиз – туман ҳокимлигининг муҳарририятни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаши мақолалар таъсирчанлигини ошириш ва жамоанинг иқтисодий мустаҳкамлигини таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлаяпти. Айниқса, газетанинг танқидий чиқишлари туман фаоллари йиғилишларида ботбот муҳокама қилиниб, уларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилаяпти.

Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, муассис ва муҳарририят ўртасида мустаҳкам алоқа мавжудлиги туфайли бундан 5 йил олдин атиги 364 та йиллик обуначиси бўлган "Суръат-Қарқин" газетасининг ҳар бир сони бугунги кунда 2650 хонадонга кириб бораётганлигига гувоҳмиз. Бундай ҳамкорлик муҳарририятни замонавий техникалар билан таъминлаш ва ходимларга қулай меҳнат шароитларини яратиш имконини бераётир.

Албатта, бундай ғамхўрлик ва эътибор ўз навбатида туман ижодкорларига катта масъулият юклайди. Буни сидқидилдан ҳис этган ходимларимиз туманда амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг ёритиш учун астойдил ҳаракат қилишаяпти. "Қарор ва ижро" "Туман ҳокимлигида", "Депутат ва ҳаёт" "2008 йил – Ёшлар йили", "Маънавият сабоғи", "Таълим ва ислоҳот", "Мухбиримиз бонг уради", "Ҳуқуқий сабоқлар", "Солиқ янгиликлари", "Жиноят ва жазо" сингари рукнлар остида босилаётган материаллар фикримизга далил бўла олади.

Фурсатдан фойдаланиб, жамоамиз номидан эл-юртга маънавият нурини таратаётган барча қалам соҳибларини касб байрамимиз – оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этамиз.

Жамолиддин АБДИЕВ,
Юқоричирчиқ тумани "Суръат-Қарқин" ижтимоий-сиёсий газетаси муҳаррири.

(Давоми. Боши 1-бетда).



«ДИҚҚАТ, ЭФИРДА...»

Бугунги тезкор замонда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини радиосиз тасаввур этиш қийин. Дунёнинг турли нуқтасида юз бераётган ҳодисаларни бир зумда кенг халқ оммасига етказишда радионинг ўрни беқиёсдир. Бир сўз билан айтганда, радио – энг тезкор ахборот воситаси ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикамизда нодавлат радиолар кўпайиб кетди. Бу эса ўзўзидан рақобатни пайдо қилади. Соддагина қилиб айтганда, улар мухлис талашади, радиожурналистларни ўз устларида янада кўпроқ ишлашга чорлайди. "Тошкент телерадиоканали" ходимлари ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда ижод қилишаётир.

– Ҳар куни эрта тонгни "Диққат, Тошкентдан гапирамиз! Ҳаво мавжларида Тошкент радиоканали" деган сўзлар билан қаршиловчи каналимизнинг мухлислари беҳисобдир, – дейди «Тошкент телерадиоканали» директор ўринбосари Бахтиёр Йўлдошев. – Эфир тўлқинлари орқали бериб бориладиган "Қулги гулдастаси", "Табиат ва биз", "Бир келиб кетинг қишлоғимизга", каби эшиттиришлар ҳамшаҳарларимиз ва вилоятимиз аҳли қалбидан муносиб ўрин олган.

Ҳаво мавжларида иқтидорли радио журналистлар Темир Султонов, Жамшид Умрзоқов, Фотима Мирсоатова, Холида Тўлаганова, Раъно Ортиқова, Алишер Исомиддинов каби ўз ишининг усталари туну кун тиним билмай меҳнат қилишаётир.

– Барчага бирдек манзур бўладиган, тингловчини фикрлашга, мушоҳада юритишга ундайдиган эшиттиришлар тайёрлаш осон эмас, – дейди "Тошкент телерадиоканали" бош муҳаррир ўринбосари Исмоғил Фаттоҳов. – Бунинг учун журналист тинмай изланиши лозим.

Бугунги кунда радиоканалда 50 нафарга яқин ижодкор бир-кеча кундузда 22 соатлик эшиттиришлар тайёрлаб эфирга узатмоқда. Айниқса, вилоятимизга мўлжалланган "Табиат ва биз", "Бир келиб кетинг қишлоғимизга", "Хонадон" эшиттиришларининг ўз тингловчилари бор.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, "Тошкент телерадиоканали"га жуда кўплаб заҳматкаш инсонларнинг меҳнати сингган. Марҳум устозлар Холхўжа Умаров, Собир Умаров, Зоҳид Отахонов, узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган Шоирхўжа Сиддиқхўжаев, Ҳошим Саидалиев каби радио фахрийларини меҳр ва ғурур билан тилга олишади.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: бош муҳаррир ўринбосари Исмоғил Фаттоҳов.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ҳуқуқ бурчаги

СУД МАЖЛИСИГА КЕЛИНГ!

Баъзан эшитиб қоламиз: "Суддан чақирув хати келган эди, суд мажлисига бормадим. Жавобгар сифатида иштирок этишга чўчидим".

Ҳақиқатан, суд мажлисида иштирок этишдан бош тортиш тўғримикан? Бундан кимга фойда, кимга зиён?

Хўжалик ишида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бошқа шахсларнинг манфаатларини муҳофазалаш мақсадларида судда иштирок этувчи шахслар ишнинг кўрилиш жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилинишлари лозим.

Хўжалик ишларини судда кўришга тайёрлаш босқичига кирувчи суд хабарлари ва чақирувлари хўжалик жараёнининг мустақил ва муҳим босқичи бўлиб, хўжалик ҳуқуқий низоларини мумкин қадар тезлаштириб, тўла ва ҳар томонлама кўрилиши ва ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида ўтказилади. Зеро, ҳар бир жараённинг иштирокчиларсиз ўтиши ишни тўла ва ҳар томонлама холис кўрилишига зид бўлиб, унда иштирок этувчи шахслар ва вакилларнинг ишнинг кўрилиш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинмасликлари кейинчалик ишнинг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишида бекор қилиниши учун асос бўлади.

Хўжалик судининг ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрими ишда иштирок этувчи шахсларга буюртма хат билан юборилади. Жараённинг бошқа иштирокчилари суднинг ажрими билан, зарур ҳолларда чақирув қоғозлари, телеграмма, факс, телетайп ва бошқа воситалари орқали хабардор қилинади ва чақирилади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда суднинг номи ва аниқ манзили, суд муҳокамасининг вақти ва жойи кўрсатилади. Ушбу ажримда мазкур ишга татбиқан тайёргарлик ҳаракатларининг мазмуни аниқлаштирилади. Бу ишни тайёрлашнинг тўлиқлиги ва изчиллигини таъминлайди, процессуал ҳаракатларнинг бажарилишини назорат қилишни енгиллаштиради.

Хабар бериш, чақиришнинг исталган шаклида уни олувчига у қандай иш юзасидан, ким тариқасида чақирилаётгани кўрсатилади.

Ишда иштирок этувчи шахс ёки чақирилувчи ўз номига юборилган суднинг ажрими, чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортса, ушбу ҳужжатни келтирган шахс буни қайд этиб, судга топширади. Ушбу қайд – далолатнома фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ёки камида икки нафар фуқаронинг имзоси билан тасдиқланади. Чақирилувчининг чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортиши ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

Ишда иштирок этаётган шахслар иш юритилаётган вақтда ўз манзили ўзгаргани ҳақида судга маълум қилишлари лозим. Чунки, процессуал ҳужжатлар судга маълум бўлган охирги манзил бўйича юборилади ва чақирилувчи бу манзилда бўлмаса-да, ҳужжатлар, шу жумладан чақирув қоғози ҳам унга топширилган ҳисобланади.

Жавобгарнинг амалдаги яшаш жойи номаълум бўлган тақдирда, жавобгарнинг охирги яшаш жойидаги алоқа ташкилоти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи чақирув қоғози олинганлиги ва чақирилувчининг қаердалиги маълум эмаслиги сабабли уни топширишнинг имкони бўлмаганлиги ҳақида ёзиб юборган маълумот судга келиб тушгач, суд ишни кўришга киришади.

Иш кўриш жараёнида тарафларнинг суд ажримини олганлигини тасдиқловчи почта билдирув хатининг ишда мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Дейлик, даъвогар, яъни судга даъво ариза билан мурожаат қилган шахс ушбу ажримни олганлигини тасдиқловчи почта билдирув хати ишда мавжуд бўлса, аммо у суд мажлисига келмаса, иш кўрмасдан қолдирилади. Агар иш ҳужжатларида даъвогарнинг ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги аризаси бўлса, низо унинг иштирокисиз ҳал қилиниши мумкин. Агар жавобгар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинганлигини тасдиқловчи почта билдирув хати ишда мавжуд бўлса, аммо у хўжалик судининг мажлисига келмаса, низо унинг иштирокисиз ҳал қилиниши мумкин.

Хўжалик судида иш кўриш жараёнида даъвогарнинг иштироки қанчалик муҳим бўлса, жавобгарнинг суд мажлисида иштирок этиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши суд томонидан ишни ҳар тарафлама, қонуний ҳал этишда, адолатли қарор чиқаришда катта аҳамият касб этади.

Масалан, суд мажлисида қатнашаётган жавобгар шартнома шартларини бажара олмаган бўлса, нима сабабдан бажара олмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни, шартнома бўйича юзага келган пеня ёки жарима суммасини тўлашга қурби етмаса, молиявий аҳволи оғирлигини тасдиқловчи банк маълумотномасини, агар даъво аризасида сўралган суммани тўлаб бўлган бўлса, тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларини судга тақдим этиши мумкин. Бу эса, хўжалик судида одил судловни амалга оширишни, қонун ва суд олдида тенглик, ишларни кўришнинг ошкоралиги, суд ишларини юритишда тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлигини таъминлайди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у малакали ҳуқуқшунос бўладими ёки фермерми, суд мажлисларида қатнашиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, керак бўлса, қонун билан белгиланган ҳуқуқлардан тўла фойдаланиши лозим. Бу эса, ўз навбатида ҳуқуқий демократик давлат қуришда, фуқароларнинг ҳуқуқий онги, савияси ортишида муҳим омил ҳисобланади.

Дилфуза АБУЛХАСАН,
вилоят хўжалик судининг судьяси.

ҚУЛАЙЛИК ОРТИБ, ХАРАЖАТ КАМАЙДИ

Қибрай туманидаги Чинобод нефтьбазаси маҳсулотларини буюртмачиларга вақтида етказиб беришда темирйўл хизматидан кенг фойдаланилмоқда. Бу борада яна бир қулайлик яратиш мақсадида "Яланғоч" темирйўл бекатидан корхонагача янги пўлат излар ётқизилди.

Аҳамиятли томони шуки, бу лойиҳа нефть маҳсулотларини аҳоли яшаш масканларидан ҳоли ҳудудлардан олиб ўтиш имконини берди. Шу билан бирга транспорт харажатларини камайтиришга эришилди.

Акбар АЛИЕВ.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари ижодий жамоасини, шунингдек, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган барча оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади. Вилоятимиз қаламкашларига она-Ватанимиз тараққиёти йўлидаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни кенг ёритиб боришдек масъулиятли ишларига улкан муваффақиятлар тилайди.

Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги.

"Нефтегаздобыча-инжиниринг" УШКга
қуйидагилар керак:

1. Раҳбар ўринбосари (нефтьгаз тармоғида камида 5 йиллик иш стажига эга, ёши 50 дан ошмаган). Рақобатбардош иш ҳақи, овқат пули, йўл ҳақи пули.
2. Жамлаш, куриш ишларининг бориши ва инвестициявий лойиҳалар мониторинги гуруҳи раҳбари (нефтьгаз тармоғида камида 5 йиллик иш стажи, ёши 50 дан ошмаган). Рақобатбардош иш ҳақи, овқат пули, йўл ҳақи пули.
3. Лойиҳалаш гуруҳи бошлиғи (тегишли ташкилотларда лойиҳалар юзасидан хулосалар олиш бўйича камида 5 йиллик иш стажи). Рақобатбардош иш ҳақи, овқат пули, йўл ҳақи пули.

Резюмени электрон почта ёки факс орқали жўнатиш мумкин.
Тел/факс: 234-84-26. E-mail: ngdi@rambler.ru

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига фуқаро А. Абдухалиловга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски-Қовунчи қ.ф.й., Самарқанд кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 0,3159 гектардан иборат бўлган, "Кинотеатр ва маиший хизмат" биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 600 000 000 сўм.

Кўчмас мулк 31 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2008 йилнинг 7, 14, 21 ва 28 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Шунингдек, 2008 йил 10 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 15 июндаги 11-0706/3981-сонли қарори билан банкрот деб эътироф этилган ҳамда кредиторларнинг 2008 йил 18 июндаги йиғилиш қарорига асосан, «КИБО болалар пойабзали» ҚК ЛТД тугатиш бошқарувчиси томонидан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Обувщиков кўчаси, 1-уйда жойлашган, «КИБО болалар пойабзали» ҚК ЛТДнинг мол-мулклари 10 фоизга арзонлаштирилган баҳода такроран қўйилмоқда. Жорий бошланғич баҳоси – 2 520 000 000 сўм.

Мол-мулклар 10 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2008 йилнинг 17 ва 24 июль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Мазкур аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105.

II. РКМБда 2008 йил 29 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 18 апрелдаги 11-0610/1299-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Мухайё" ф/хга тегишли, Янгийўл тумани, Халқабод қ.ф.й, Бобур участкаси ҳудудидаги, майдони 5,0 га бўлган, "Мевали боғлар". Бошланғич баҳоси – 3 440 340 сўм.

2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 07.04.2008 йилдаги 11-0807/1404-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани ҳудудидаги терини қайта ишлаб чиқариш заводида сақланаётган, "ЗИЛ 131" русумли, д/р 11АV439 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 000 000 сўм.

3. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 07.04.2008 йилдаги 11-0807/1404-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЙХХБ жарима масканида сақланаётган, "ЗИЛ 131" русумли, д/р 11АV440 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 000 000 сўм.

4. Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Зангиота туманлараро судининг 05.05.2008 йилдаги 1-2117-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани ЖИБ суди биносида сақланаётган, "Nexia GLE" русумли, д/р 11М0809 бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 039 215 сўм.

Шунингдек, 2008 йил 15 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Зангиота туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти Зангиота туман судининг 13.02.2008 йилдаги 48/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота туман "Матлуботсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган, «ГБА СПГ ГАЗ-53» русумли, д/р 11К1978 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси – 4 480 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти Қибрай туман судининг 25.03.2008 йилдаги 415-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани "Арғин-савдо" УК омборида сақланаётган, «ГАЗ-6614» русумли, д/р 30К6521 бўлган, 1986 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси – 2 800 000 сўм.

3. Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 27.03.2006 йилдаги 11-0620/899-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юқоричирчиқ тумани, Тинчлик қ.ф.й., Ийк-ота қишлоғи, Ёшлик кўчаси манзилида жойлашган қуйидаги мулклар қўйилмоқда: - "Сув тортиш биноси", майдони 10,20 кв.м бўлган, 1994 йилда қурилган. Бошланғич баҳоси – 336 123,73 сўм. - "Плита девор" узунлиги 170 м. бўлган, 1994 йилда қурилган. Бошланғич баҳоси – 1 357 944,52 сўм. - "Дарвоза", 1994 йилда қурилган. Бошланғич баҳоси – 62 366,64 сўм.

Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ «Ипотека-банк»нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй.

Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ соҳасидаги ислоҳотлар ёшларни ўқитиш ва тарбиялашни янги шакл ҳамда мазмун билан бойитиб, баркамол авлодни вояга етказишга самарали хизмат қилмоқда. Дарс машғулотлари энг янги педагогик технологиялар асосида қанчалик мукаммал ташкил этилмасин, ўқитувчи, мураббий, устоз таълим-тарбия жараёнларида асосий сиймо бўлиб қолаверади. Бинобарин, ислоҳотларнинг муваффақияти педагог кадрларимизнинг салоҳияти, касбий маҳоратига боғлиқ. Ушбу саҳифада ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида тўпланган тажрибалар ва бу ишнинг самаралари ҳақида ҳикоя қилинади.

УЗЛУКСИЗЛИК – ЗАМОН ТАЛАБИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини юксалтириш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Шу боис биз амалдаги малака ошириш тизимини жамиятнинг ижтимоий талабларига мос тарзда ривожлантириш йўлидан бормоқдамиз.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 32 мингдан зиёд педагог ходим ёш авлодга таълим-тарбия бераётир. Институтимиз жамоаси уларни қайта тайёрлаш, малакасини узлуксиз ошириб боришга алоҳида эътибор қаратаётир. Институтимизда ҳар йили 6,5 мингга яқин ўқитувчи қайта тайёргарликдан ўтказилади. 2008-2012 йилларга мўлжалланган истиқболли малака ошириш режаси алоҳида аҳамият касб этаётир. Машғулотлар замон талаблари асосида ташкил этилган. Жумладан, мавжуд олтита кафедрамизда 80 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар замонавий таълим усулларидан фойдаланган ҳолда дарс олиб боради. Шуни айтиш керакки, малака ошириш дастур ва режаларини жойлардан олинган талаб ва истак, таклиф ва мулоҳазалар асосида тузишга ҳаракат қилаётирмиз. Бу, биринчидан, ишни тўғри режалаштиришга ёрдам берса, иккинчидан, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган малака ошириш машғулотларига ўз вақтида педагогларни қамраб олиш имконини яратади.

Малака ошириш курслари давлат таълим стандартлари талаблари асосида ташкил этилган бўлиб, 144 соатга мўлжалланган. Институтга келган биринчи тоифали ўқитувчилар икки ҳафта назарий билим олсалар, бир ҳафта амалий машғулот ўтказадилар. Иккинчи тоифали ўқитувчилар учун уч ҳафта назарий билим. бир ҳафта амалий машғулот ўтказиш кўзда тутилади. Биз бугун асосий эътиборни узлуксиз малака ошириш тизимини яратишга қаратганмиз. Мақсад – ўқитувчини ўз устида мунтазам ишлашга ўргатиш. Бу борада тажриба синовини ҳам олиб бормоқдамиз. Айни кунларда мазкур янгиликни республика Халқ таълими вазирлиги ўрганаётир.

Ҳозирги кунда ўқитувчиларнинг ўз устларида ишлашлари, мустақил ўқишлари учун талаб кучайяпти. Бунинг натижасида уларнинг фикрлаш доираси кенгаяди, вақти тежалади, ижодий қобилияти ривожланади.

Ўқитувчиларнинг билимларни мустақил ўзлаштиришлари уларнинг шахсий қобилиятларини мустаҳкамлайди, устозлик фазилатларини кучайтиради.

Бу жараён энг камида бешта йўналишни ўз ичига олади. Улар ташкилий-педагогик, касбий-услубий маҳорат, маънавий-маърифий тайёргарлик, сиёсий онгни ошириш, бадиий адабиётлар ўқиш, кино-театрларда бўлишдан иборат.

Бизда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан номутахассис ва нопедагог кадрларни қайта тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Институтимиз томонидан қайта тайёрланган икки мингдан зиёд номутахассис ва нопедагог кадрлар бугун вилоятимиздаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётир. Улар доимий эътиборимизда.

Ўқитувчилар орасида иқтидорлиларни танлаш, уларни рағбатлантириш мақсадида "Йил ўқитувчиси" танлови ўтказиб келинмоқда. 2005 йил республика Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан мазкур танловни фанлар кесимида ўтказиш ғояси илгари сурилди. Бу тадбирни ўтказишнинг алоҳида низоми тасдиқланди. Мақсад Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида яратилаётган шароитлардан самарали фойдаланиб, 24 та фан бўйича энг моҳир, энг малакали ўқитувчини танлаш, уларнинг ўқитиш, таълим бериш услубларини такомиллаштириш, ўрганиш ва кенг ёйиш орқали таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги ошишига эришишдан иборат. Бу маҳоратли ўқитувчиларнинг ўз мактаблари яратилишига асос бўлаётир.

Институтимиз томонидан ташкил этилаётган фан ойликлари, услубият кунлари, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши услубчиси", "Йилнинг энг яхши психологи" кўрик-танловлари илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, таълим сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бундан ташқари институтимиз профессор-ўқитувчилари педагог кадрлар малакасини оширишга қаратилган дастурлар, ўқув қўлланмалари яратишга ҳам жиддий эътибор қаратишаётир. Айниқса, ижтимоий фанлар ва маънавият асослари, табиий ва аниқ фанлар, тил ва адабиёт, педагогика, психология ва менежмент кафедраларида олиб борилаётган тадқиқотлар яхши натижа бермоқда.

Шу кунларда ўқитувчиларнинг ёзги таътили муносабати билан ўнта йўналиш бўйича қайта тайёрлов курслари ташкил этишни режалаштирганмиз. Ўқитувчилар малакасини ошириш борасида барча ишларимиз таълим-тарбия самарадорлигини кўтаришга, янги авлод тарбиясига хизмат қилаётир.

Эркин САТТОРОВ,
вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори.

Диққат: билимлар мониторинги

ЎҚИТУВЧИГА – УСТАМА ҲАҚ

БЎСТОНЛИҚ туман мактабларида давлат таълим стандартлари мониторинги изчил амалга оширилаётир. Бу жараён умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатаётир.

Бир йил илгари тўртта мактабда 5-9-синф ўқувчиларининг билими давлат таълим стандартларини ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш дастури асосида мониторингдан ўтказилди. Унда ботаника, биология, физика, кимё фанлари юзасидан ташқи назорат тест синовлари 1022 ўқувчини қамраб олди. Пировард натижалар ўқувчиларнинг умумий билим самарадорлиги 2,4-3,5 фоиз ўсганлигини тасдиқлади.

Туман халқ таълими бўлимининг услубият маркази шу мониторинг натижасида энг юқори кўрсаткичга эришган ўқитувчилар тажрибаларини оммалаштириш билан изчил шуғулланди.

Энг муҳими, юксак самарадорликка эришган педагоглар меҳнатини моддий рағбатлантириш кучайтирилди. Якунланган ўқув йилида юксак касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ шахсий ҳиссаси, юқори самарадорлик ва таълим савиясини юксалтиришга эришгани учун 230 ўқитувчи устама ҳақ ола бошлади.

Ҳабиба ИКРОМОВА.

Ҳамкорлик

АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ жараёнларининг самарадорлигини оширишда устоз малакаси, унинг жонкуярлиги ва маҳорати муҳим ўрин тутади. Коллежимиз тажрибаси, педагогик жамоамиз эришаётган натижалар шундан далолат бераётир.

Ҳозирги пайтда муҳандис-педагогларимизнинг 68-70 фоизи иккинчи, биринчи ва олий тоифали ўқитувчилардир. Улар ўз билим ва тажрибаларини, педагогик маҳоратларини ўқувчиларга пухта билим бериш, уларни касб-ҳунарни мукаммал эгаллаган, меҳнатсевар, иродали инсонлар қилиб тарбиялашга бағишлашаётир. Дарс машғулотларида таълимнинг турли замонавий техника воситаларидан фойдаланиш билим бериш савиясини кўтармоқда.

Айни пайтда устозлар энг янги педагогик технологияларни эгаллаб, дарс жараёнларига жорий этишаётир. Бунда Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Ахборот технологиялари ва вилоят Давлат педагогика институтлари билан амалий ҳамкорлик қўл келаяпти. Олий ўқув юртларининг педагог ва олимлари ўқитиш услубиятини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида таълимнинг узвийлигини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатишаётир.

Айниқса, бу шартномавий ҳамкорликнинг услубий ишлар самарадорлигини оширишга кўрсатаётган таъсиридан мамнунмиз. Коллежимиз ўқитувчиларининг услубий ишланмалари олий мактаб педагоглари томонидан таҳлил қилиниб, мукаммаллаштирилаётир. Натижада дарслар савияси кўтарилиб бормоқда.

Ҳамкорликнинг бошқа бир йўналиши олий ўқув юртлари кафедралари томонидан педагогик жамоамизга берилаётган методик тавсиялар ва қўлланмаларни ўз ичига олади. Уларни ўрганиш, фойдали тавсияларга амал қилиш ҳам ўқув машғулотлари қизиқарлилигини ошириб, савиясини кўтармоқда.

Шу билан бирга мазкур ўқув юртларининг олимпедагоглари коллежимизда ташкил этаётган семинар машғулотлари ҳам ходимларимиз малакасини ошираётир. Тошкент ва Ангрен олий ўқув юртлари педагоглари лекциялар билан чиқиб, ўқувчиларимизнинг билимларини чуқурлаштиришга ёрдам кўрсатаётганлари ҳам қувончли.

Ҳамкорликнинг яна бир жиҳати ниҳоятда фойдали бўлаяпти. Мен бу ўринда ўқувчиларимизнинг Тошкент Давлат техника университетига экскурсияларини назарда тутаяпман. Олий мактаб ўқитувчи ва талабалари билан учрашув ҳамда жонли мулоқотлар уларда билимларни пухта эгаллашга, қунт билан ўқишга иштиёқни кучайтираётир.

Раҳмонали МАҚСУДОВ,
Бекобод саноат касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари.

Таълим:

ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

Олмалиқ кон-металлургия касб-ҳунар коллежини бу йил 22 ўқувчи имтиёзли диплом билан битирди.

– Ўқувчиларимизнинг бу ютуғида Турсуной Сайдалиева, Мавлуда Умарова, Комила Алимхонова, Гулсара Ҳамидова сингари устозларнинг хизмати катта бўлди, – дейди коллеж директори Манзура Мавлонова. – Битирувчиларимиздан 57 киши олий ўқув юртларига кириш учун ҳужжат тайёрламоқда. 218 битирувчимиз "ОКМК" очиқ акциядорлик жамияти ва бошқа корхона-ташкилотларда ишлаш учун йўлланма олди. Навоий машинасозлик заводи учун ҳар йили йигирмадан ортиқ кичик мутахассислар тайёрлаб бермоқдамиз.

СУРАТЛАРДА: битирув кечасидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Сабоқ

ДАРС машғулотлари самарадорлигини оширишда илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш қўл келаяпти. Сўнгги йилларда биз бу борада муайян тажриба орттирдик. Одатда бу фанлар бўйича услубий ўқув-семинар ва очиқ дарслар кўринишида ўтказилмоқда.

ОЧИҚ ДАРС НИМА БЕРАДИ?

Жумладан, 33-мактабда ўқув йили якунланиши арафасида шундай машғулот ташкил этилди. У "Она тили ва адабиёт дарси самарадорлигини ошириш" мавзусига бағишланди. Унда туманимиздаги барча мактабларнинг шу фан ўқитувчилари иштирок этиб, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Матлуба Абдуллаева, Саъдулла Алиакбаров, бошланғич синф ўқитувчилари Гулнора Аҳмедова, Ҳолида Иброҳимова, Нодира Зайниддинованинг дарсни ташкил этиш ва ўқитиш тажрибаларини таҳлил қилишди, уни яхшилашга қаратилган ибратли фикрлар билдиришди.

Озода ШАРИПОВА,
Зангиота туман халқ таълими бўлими услубчиси.

Давр талаби

ИНОБАТ ЎЗ ИШИДАН МАМНУН

БИР СИНФДОШИМ бўларди. Билими, зукколиги, истеъдоди билан ҳаммамиздан ажралиб турарди. У физика, математика фанларига жуда қизиқарди. Физика ўқитувчимизга саволлар бераверив, шошириб қўйган пайтлари кўп бўлган.

Ана шундай кезларда устозимиз:

– Сен учун малакамни оширмасам бўлмайди чоғи, чунки сен замондан анча илгарилаб кетгансан, – деб ҳазил қилиб қўярди.

Ўша кезлари кўпчилигимизда устоз замондан бир қадам олдинда юриши, дарсга кирган ўқитувчи ҳамма нарсага тайёр туриши керак экан-да, деган фикр уйғонганди.

Бугун илм-фан тараққиёти юксак чўққига кўтарилган бир паллада ўқитувчи олдидаги масъулият ҳам шу қадар юксак эканлигини яна бир карра англагандек бўлаяпмиз. Ҳозир оддий боғча боласи ҳам компьютер бўйича саводхон. Ёш болаларнинг энг замонавий қўл телефонида алоқага киришишига ҳам ажабланмай қолдик. Шундай экан, ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда ҳар бир педагогдан катта малака, юксак тажриба талаб этилиши турган гап. Шу боис мамлакатимизда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётир.

– Ўртачирчиқ тумани халқ таълими бўлимида педагог ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш долзарб вазифалардан бирига айланган, – дейди туман халқ таълими бўлимининг услубчиси Аширгул Иброҳимова. – Бу ишни аниқ мақсадга қаратилган режа асосида ташкил этганмиз. Ҳозир вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти билан ҳамкорликда иш олиб бораётирмиз.



Ўтган йилларда туман халқ таълими бўлими томонидан 442 нафар педагог ўз малакасини оширган бўлса, 2008 йилнинг январь ва февраль ойларидагина 194 нафар ўқитувчи ва мураббий қайта тайёргарликдан ўтди.

Биз яқинда янги педагогик технология асосида малака ошириб келган Наргиза Муталова билан суҳбатлашдик. У тумандаги 56-умумтаълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

– Илгарилари ҳам билим ва малакамизни оширардик, лекин у жараён маъруза тинглаш билан ўтарди, – дейди суҳбатдошимиз. – Алабатта, бундай қайта тайёрлаш на мураббийга, на ўқитувчига фойда келтирарди. Аксинча, фақат вақт беҳуда сарфланарди, холос. Энди-чи? Бугун малака ошириш жараёнига мутлақо бошқача талаблар қўйилмоқда. Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида янги педагогик технология жорий этилди. Тасаввур қилинг, ҳар бир педагог 144 соат аниқ мақсадларга йўналтирилган дарс жадвали асосида ўз билим ва малакасини оширади. Энг асосийси, институтда назарий билим олиш билан бирга амалий машғулотларга катта эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳозирги замон талаблари асосида олиб борилаётгани мақсадга мувофиқдир. Тумандаги 62-умумтаълим мактабида кўп йиллардан бери кутубхоначи бўлиб фаолият кўрсатаётган Инобат Абдуқаҳҳорова ўз малакасини ошириб келгач, ишни кескин яхшилашга эришди.

– Малака ошириш давомида, кутубхоначилик билан боғлиқ кўп нарсани ўргандим, – дейди Инобатхон. – Энг муҳими, картотека, каталог ҳамда компьютер билан ишлаш кўникмасини эгалладим. Ўқувчиларни китобга қизиқтиришда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида тажриба алмаштирдик.

Мактабга қайтиб келгач, Инобат Абдуқаҳҳорова "Энг зукко китобхон" кўрик танловини ўтказди. Яқинда "Буюк аждодларимиз" деб номланган марафон ташкил этди.

Бугунги кунда Ўртачирчиқ туманидаги бошқа мактабларда ҳам педагог кадрлар малакасини ошириш қизғин давом этаётир.

Ҳабибулла КАРИМОВ.

Дил изҳори

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

– Ҳаммангиз қобилиятлисиз, гап фақат уни намоён этишда, – дейдилар севимли ўқитувчимиз Сурайё Фозилова. – Устозимиз "Йил ўқитувчиси – 2008" танловида республикада учинчи ўринни эгалладилар. Улар бизга тўғри ўқиш, чиройли ёзиш, аниқ ҳисоблаш ва равон сўзлашни ўргатдилар. Ҳар биримиз учун руҳлантирувчи сўз топадилар, далда берадилар. Айниқса, бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларда ўз кучларига ишонч уйғотиш, улар ҳам бошқа ўртоқлари олдида нималарга қодир эканликларини кўрсата олишлари учун кўп ҳаракат қиладилар. Натижада Мухлиса Пўлатова, Ботиржон Ҳожиакбаров, Иззатулла Азимов, Ўғилой Норбўтаева сингари ўқувчилар мактаб олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишди.

Асадбек АҲМАДЖОНОВ,
Янгийўл шаҳридаги 15-умумтаълим мактаби ўқувчиси.

Ибрат

МАШҒУЛОТ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

АНГРЕН шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби онатили ва адабиёти ўқитувчиси Муяссархон Раҳмонова вилоят педагогик кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида қайта тайёргарликдан ўтиб келди.

Амалиётни эса, 29-умумтаълим мактабида ўтказди. Янги педагогик технологиялар асосида ташкил этилган бу дарс шаҳардаги мактабларга овоза бўлиб кетди. Қолаверса, бевосита амалиётда иштирок этган ўқитувчиларга ҳам жуда маъқул келди...

Ҳозирги пайтда вилоятимизнинг ҳар бир туманида биттадан таянч мактаби белгилаб олинган. Устоз назарий билим олгач, амалиётнинг бир соатлик очиқ дарсини ана шу мактабда ўтказади.

Хўш, бу услуб нимаси билан афзал?

Шуни таъкидлаш керакки, малакасини ошириб қайтган ўқитувчи энди очиқ дарсини олдингидек ўз синфида эмас, балки бутунлай нотаниш мактабдаги танимаган ўқувчилар билан ўтказади. Бу эса, ундан нафақат катта маҳорат, тажриба, балки янги педагогик технологияни чуқур билишни талаб қилиб, ўз устида кўпроқ ишлашга даъват этади.

Ангрен, Бўка, Янгийўл, Оҳангарондаги таянч мактабларида бўлиб, бевосита мана шу амалиёт жараёнларида иштирок этдик. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, янгича очиқ дарсларда ўқитувчилар ўқувчиларни дарсга тўла жалб эта олишди. Машғулотлар ниҳоятда қизиқарли ўтди. Энг муҳими, ўқитувчи ҳамма ўқувчининг билим ва кўникмасини аниқлай олди. Демак, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда мана шундай янги дастурларга катта эътибор қаратишимиз зарур. Бу йўлда биз ҳамиша уларга қанот бўлишга тайёрмиз.

Маҳфуза ҲАЛИЛОВА,
вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти услубий ишларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ ҳамда Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ тайёрлашди.

ХИДДИНК ЮРТИГА ХИЁНАТ ҚИЛМАДИ

шунчаки, мураббийлик бурчига содиқ қолиб, шогирдларини ғалаба сари бошлаб борди

Гапни аслида голландиялик катта футбол мутахассиси Гуус Хиддинкка тегишли юқоридаги фикрдан бошлаганимиз бежиз эмас. Қитъа ва жаҳон чемпионатларида учрашувлар олдидан ва ўйинлардан сўнг матбуот конференциялари бўлиб туради. Россия гуруҳ баҳсларидан "эсон-омон" ўтиб, чорак финалда Голландия терма жамоасига рўбарў келиши маълум бўлгач, Хиддинкнинг шахси теварагида ҳар хил бўлар-бўлмас, тўғринотўғри гап-сўзлар, фикр-мулоҳазалар қулоққа чалина бошлади.

– Бечорага қийин бўлди. Шогирдларини ғалабага руҳлантириб, мақсадига эришса, юртдошлари олдида ким деган одам бўлади?

– Агар руслар ўйинда мағлуб бўлишса, асосий калтак яна бечора Хиддинкнинг бошида синади...

Бундай асоссиз гап-сўзларга мураббийнинг ўзи чек қўйди:

– Мен қайси юртда, қандай жамоага мураббийлик қилмай, ҳамиша Голландия фуқароси бўлганман ва бу билан фахрланиб келганман. Аммо, ҳозир – бош мураббийман. Вазифам – жамоамнинг ғалаба қозониши учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилиш. Агар биз чорак финалда мувафақиятга эришсак, юртдошларим мени Ватан ҳоинига чиқариб қўймайдилар. Қолаверса, спортда битта ёзилмаган қонун бор: "Ғолиблар муҳокама қилинмайди".

Бош мураббийнинг самимий сўзларига фаришталар ҳам омин дейишган экан. Руслар голландлар устидан ишончли ғалабага (3:1) эришдилар.

Биз ўйин тафсилотига тўхталмоқчи эмасмиз, мухлислар уни мириқиб томоша қилдилар. Фақат россияликлар қайси омиллар ҳисобига "учар голландлар"ни доғда қолдирганлари ҳақидаги айрим шахсий фикрларимизни айтмоқчимиз.

Бизнингча, бош мураббийнинг юқоридаги холис ниятлари шогирдларига кучли руҳий озуқа бўлиб, ватанпарварлик туйғусини алангалатиб юборди. Улар бутун ўйин давомида чарчаш нималигини билмай, мамлакат футбол шаъни учун жон қуйдириб, ҳар бир тўп учун ўзларини аямай курашдилар. Бирор ўйинчини алоҳида тилга олиш шарт эмас. Агар шундай қилиш керак бўлса, Аршавин ҳақида икки оғиз ширин сўз айтиш мумкин. У ҳужум чизиғида ҳар доим ҳозиру нозир бўлиб, ўзи ҳам гол киритди, қолган икки голга ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Энди Хорватия – Туркия ва Испания – Италия учрашувларига келсак, мухлислар иккита шаклан бир хил, мазмунан эса, бир-биридан кескин фарқ қиладиган ўйиннинг ғувоҳи бўлишди. Икки учрашув ҳам 90 дақиқадан эмас, 120 дақиқа давом этди. Пировардида ғолиб жамоалар 11 метрли жарима воситасида аниқланди.

Бу учрашувларнинг фарқи шундаки, хорватлар билан турклар палапартиш, қўпол ўйин намойиш этишган бўлса, испанлар билан итальянлар баҳсини мухлислар ажойиб футбол спектакли сифатида мириқиб томоша қилишди. Курашни Испания ва Туркия жамоалари давом эттирадиган бўлишди.

Шундай қилиб, ярим финалчилар қисқа муддатли танаффусдан сўнг бугун яна майдонга тушадилар. Немислар турклар билан, руслар эса испанлар билан финал йўлланмаси учун кураш олиб борадилар.

Самад ЙЎЛДОШ.

UEFA EURO2008 Austria-Switzerland

ҲАММАМИЗ МУСОБАҚАГА БОРАМИЗ

Чирчиқ шаҳридаги "Бўстон" сиҳатгоҳи "Соғлом оила" спартакиадасига мезбонлик қилди. Унда шаҳар ва туманлардаги почта-алоқа тармоқларида меҳнат қилаётган ходимлар ўз оилалари билан иштирок этишди.

Бундай ибратли ташаббусни қўллаб-қувватлаш учун "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти Тошкент филиали, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба қўмитаси ҳамда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўзаро ҳамкорлик қилишди.

Барча шартларни кўнгилдагидек бажарган Чирчиқ шаҳар почта-алоқа тармоғи ходими С. Толипова оиласи биринчи ўринни эгаллади.

Кейинги ўринлар эса Ангрен ва Ўртачирчиқ жамоаларига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Феруза ТЎРАЕВА.

СУРАТДА: ғолибларга совғаларни топшириш пайти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Турмуш чорраҳаларида

РАШК

У ҳар қанча ҳаракат қилмасин, хотини ҳақида эшитганлари бўҳтон эканлигига ўзини ишонтира олмади. Зафар бемаъни рашк туфайли хотини олдида беобрў бўлишни истамасди. Бироқ дўстлари орасида бебурд бўлиш унданда оғир.

Зафар ўзининг эрлик ҳамиятини сақлаб қолиш учун севиб ёки севилиб турмуш қуришни зарур деб билмаган. Бироқ у эр кишининг ғурурини барча нарсадан устун қўярди. Шунинг учун ҳам тўйдан уч кун ўтибоқ, хотинини ишдан бўшатиб олди.

– Шеър ёзадиган одам бирор жойда ишлаши шарт эмас. Уйда ўтириб ҳам ёзаверасан, ўша шеърингни, – деди у. Бироқ Зафарни ҳеч қачон Дилором ёзадиган шеърлар қизиқтирмаган, ҳатто, ўқиб ҳам кўрмаган эди.

Эрини муросага чақириш бефойдалигини тушунган Дилором уринишлари бесамарлигини билиб, бу мавзуга бошқа қайтмади. У эрини рашкчи деб билмасди. Чунки, дугоналарининг турмуш ўртоқлари рашк қилишини айтиб, сиз ҳам мени рашк қиласизми, деб сўраганида, Зафардан:

– Ўзини хотинидан паст тутган эркак аёлини дуч келгандан рашк қилаверади. Рашк шайтоннинг иши, – деган жавобни олган эди. Бироқ бу хусусда Дилоромнинг қарашлари ўзгача. Унинг фикрича, имонли киши рашк қилишни ҳам билиши керак. Инсоннинг онгсиз жонзотдан фарқи ҳам айнан шунда.

Хуллас, янги очилган дўкондаги сотувчи Дилоромнинг собиқ синфдоши экан. Аввал бу ҳақда Дилоромдан эшитган бўлса ҳам, Зафар бу гапга кўпам эътибор бермаган эди. Кеча ишхонада оғайниси: "Хотинингни дўконда кўрган эдим, айтдими? – деди Баҳром. – Сотувчи ҳам уни ҳомиладор аҳволда кўриб, қотиб қолди. Бир маҳаллар севган қизини сен илиб кетиб, боплагансан-да, ўзи" деса бўладими?!

Зафар унга жавобан нима дейишни ҳам билмай қолди. Ошнасининг бу гапини "Ўла сўтак, сен ҳам эркакмисан?" дегандай тушуниб, жаҳли чиқса ҳам ўзини аранг тутди. Чунки, у оғайнисининг гапидан кўра, Дилоромга кўпроқ ишонарди. Қизиқ, шу пайтгача Зафар хотинини севиш-севмаслиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эди. Энди билса Дилором севишга лойиқ, оқила аёл экан. У эрини шу қадар ҳурмат қилганидан бир маҳаллар ўзини севган йигитлар ҳақида Зафарга умуман оғиз очмаган. Аслида қизлар севимли бўлишни мақтанишга арзийдиган воқеа деб қабул қиладилар.

Рашк ўти Зафарни турли кўчаларга етаклаган бўлса ҳам, уйига келгунича, ўзини анча босиб олди. Айниқса, у ошхонада куймаланаётган Дилоромга кўзи тушганда, барча шубҳа-ю, гумонлари тарқаб кетгандай бўлди. Дилором эрининг ишдан келишига пешвоз чиқар экан, қўлини фартугининг бир учига артган кўйи Зафарнинг кўзларига меҳр билан боқиб турарди. Иссиқ ошхонадан чиққанлиги учунми ёки унинг ҳозирги ҳолатиданми, аёлнинг икки юзи қизариб, ёноқларида билинар-билинмас дур доналари акс этиб турарди.

Зафар кийимларини алмаштириш учун уйга кирганда, стол устида турган қоғозга кўзи тушди. Бу – эрта тонгда Дилором битган янги шеър эди:

Севинчнинг покиза
юзига,
Қайғунинг лаблари
босилар.
Чирмашиб меҳрнинг
бўйнига,
Қаҳрнинг қўллари
осилар.
Ғалаба қозонган
адоват,
Кетаркан отини
қамчилаб.
Ўртада саргардон
вафонинг,
Қонлари тўкилар
томчилаб...

АЛЛОМА.

Кулганга нима етсин

Соат чамаси тунги 23. Аёл қўшниникига чиқди:

– Ўқлоғингизни бир соатга бериб туролмайсизми?

– Йўқ, йўқ, беролмайман. Ўзим ҳам эримни кутаяпман!

* * *

Суд залида:

– Гувоҳ, ёлғон кўрсатмалар берсангиз, сизни нималар кутаётганлигини биласизми?

– Ҳа, биламан, менга "Нексия" ваъда қилишган.

* * *

Кема чўкаяпти. Капитан матросларидан сўради:

– Ким калима келтиришни билади?

Матросларнинг бири олдинга чиқди:

– Мен биламан.

– О, жуда яхши бўлди, ўғлим. Калимангни келтиравер. Бизда битта камзул етишмаётганди ўзи.

* * *

Дастурхон атрофида оила аъзолари овқатланиб ўтиришибди. Суяк кемираётган боласига қараб онаси деди:

– Ҳой, болам, нима, итмисан суяк кемирасан, дадангга бер!

* * *

– Мен никоҳимизни бекор қилишингизни сўрайман, чунки хотиним ўзининг эчкисини ётоғимизга киритиб ухлайди. Мен эса унинг ҳидига чидаб туролмайман, – деди эр.

– Энди шу арзимаган нарсага ажраласизларми? Деразани очиб қўйсангиз бўлмайдими? – деди судья.

– Нима? – дебди жаҳл билан эр, – менинг ҳамма каптарларим учиб кетсинми?!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

2008-2009 ўқув йили учун кундузги, махсус сиртқи бўлимларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

БАКАЛАВРИАТ

I. Кундузги бўлим

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Математика ва информатика
2. Физика ва астрономия
3. Кимё ва экология
4. Биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги
5. География ва иқтисодий билим асослари
6. Тарих
7. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
8. Педагогика ва психология
9. Меҳнат таълими
10. Мусиқий таълим
11. Ўзбек тили ва адабиёти
12. Чет тили ва адабиёти (инглиз)
13. Мактабгача таълим ва болалар спорти
14. Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари
15. Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш
16. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият

Ўқиш рус тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Математика ва информатика
2. Рус тили ва адабиёти
3. Чет тили ва адабиёти (инглиз)
4. Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш

Ўқиш қозоқ тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Қозоқ тили ва адабиёти
2. Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш

Ўқиш тожик тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш
2. Тожик тили ва адабиёти

II. Махсус сиртқи бўлим

Бу бўлимга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида 3 (уч) йил амалий иш стажига ва шаҳар ва туман халқ таълими бўлими тавсияномасига эга бўлган педагог кадрлар, жумладан болалар спорти мураббийларининг ҳужжатлари қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул қилинади:

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш
2. Мактабга таълим ва болалар спорти
3. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
4. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
5. Меҳнат таълими
6. Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари
7. Мусиқий таълим

Ўқиш рус тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Мактабгача таълим ва болалар спорти
2. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият





ИЖОДИЙ (КАСБИЙ) ИМТИҲОНЛАР ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН МУТАХАССИСЛИКЛАР

1. Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш (тожик гуруҳи) мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар тожик тили ва адабиёти (ёзма), математика (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон топширадилар.

2. Тожик тили ва адабиёти мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар тожик тили ва адабиёти (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон ва чет тилидан тест топширадилар.

3. Қозоқ тили ва адабиёти мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар қозоқ тили ва адабиёти (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон ва чет тилидан тест топширадилар.

4. Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш (қозоқ гуруҳи) мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар қозоқ тили ва адабиёти (ёзма), математика (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон топширадилар.

5. "Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият", "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси", "Мусиқий таълим" мутахассисликларига ҳужжат топширган абитуриентлар асосий мутахассисликлари бўйича ижодий имтиҳон топширадилар. Шунингдек, кўрсатилган мутахассисликларга тегишли блокдаги фанлар бўйича абитуриентлар тест синовларидан ўтадилар.

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 20 ИЮНДАН 20 ИЮЛГАЧА.
ТЕСТ СИНОВЛАРИ КУНДУЗГИ ВА МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМЛАР УЧУН 1 АВГУСТ КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Ректор номига ариза;
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (шаҳодатнома, диплом).
3. 086/У нусхадаги тиббий маълумотнома.
4. 6 дона 3,5х4,5 ўлчамдаги фотосурат.
5. Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади ва улардаги маълумотлар қайд қилинади.
6. Халқаро ва республика олимпиадалари, танлов ва мусобақа совриндорлари тест синовларини топширмасдан ўқишга кириш имтиёзини тасдиқловчи ҳужжатларнинг аслини тақдим этишади.
7. Ҳарбий қисмларнинг тавсияномаларига эга бўлган абитуриентлардан тегишли тавсияномалар 20 июлгача қабул қилинади.

Институтимизда талабалар учун спорт заллари, кутубхоналар, ошхоналар ва ётоқхоналар мавжуд. Ўқиш давомида талабалар компьютер саводхонлигини оширадилар, Интернет тармоғидан фойдаланиш учун барча шароитлар яратилган.

Тошкент вилоят давлат педагогика институтига ўқишга марҳамат!

Манзил: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 48-даха, 1-В уй.
Тел.: (8370) 662-24-89.
Web саҳифамиз: www.tvdpi.uz
Эл. почта: tsvpi_info@edu.uz

Қабул комиссияси.

Совместное Узбекско-Швейцарское предприятие ООО "SARRUNA TEXTILES" г. Гулистан Сырдарьинской области (ИНН 204243235, ОКОНХ 17151) извещает о реорганизации в форме присоединения к нему СП ООО "SARRUNA" (ИНН 204240002).

Претензии принимаются по тел/факс: 8(367)226-13-26.

Согласно решения Хозяйственного суда г. Ташкента за № 10-00719/12933 от 16 января 2008г. ОАО ШФ «ДЕЗА» объявлено банкротом, открыто ликвидационное производство.

В связи с этим объявляется тендер на проведение оценки имущества ОАО ШФ «ДЕЗА». Заявления на участие в тендере принимаются в течение 10 дней с даты опубликования объявления.

Обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, Торговые ряды, ОАО ШФ «ДЕЗА». Тел: 520-05-56, 244-77-97.

ДП «PAKHSH AVVAL TASHKENT», зарегистрированный в хокимияте Юнусабадского района г. Ташкента

ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент Юнусабадский район, ул. А. Темура, д. 102, кв. 3. Тел: 235-61-11.

Бекажон

"Чайка" салати

Керакли масалликлар:

200 гр. пишлоқ, 3 та қайнатилган тухум, 1 та оқ пиёз, 2 ош қошиқ кўк нўхат ва таъбга кўра майонез.

Қирғичдан ўтказилган пишлоқ, тўртбурчак қилиб тўғралган тухум, паррак қилиб тўғралган пиёз ва икки ош қошиқ кўк нўхат аралаштирилади. Устидан майонез қуйилади. Қарабсизки, фойдали ва тўйимли салат дастурхонингиз кўрки бўлади.

Ёзги салат

Керакли масалликлар:

1 бош ўртача катталикдаги карам, 5 та помидор ва 5 та бодринг, кўкатлар, 100 гр. салат ёғи.

Майда қилиб тўғралган карам сомонча шаклида тўғралган помидор ва бодринг билан аралаштирилади. Устидан салат ёғи ва тўғралган кўкатлар солинади. Таъбга кўра туз сепиб, дастурхонга тортилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 8817. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 6 7 8